



Бандлик масаласида мамлакатда нималар ўзгарди? 5



Ота ҳаёт, бобо ҳаёт, момо ҳаёт... 6



ЎЛИМ, ТЕРГОВ ВА ГУМОН 7



Инсоннинг бош ва бўйин соҳасида мураккаб аъзони тиклаш амалиёти 8



№42-43
2019-yil, 28-may
Seshanba (32.533)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqra boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ТАДБИРКОР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни тадбиркорлар муурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қайд этилганидек, қабулхоналар иши уч босқичда олиб борилади. Аввало, қабулхонада тасдиқланган кунлик жадвал асосида ҳокимликлар, Савдо-саноат палатаси, инвестиция бошқармаси, прокуратура, адлия, солиқ органлари, қурилиш, кадастр, банк ва бошқа ташкилотлар вакиллари тадбиркорларни қабул қилади.

Бироқ жойларда бюрократия, таъмағирлик ва тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чорагида Президент Халқ қабулхоналарига тадбиркорлардан 16 мингта муурожаат тушган. Улар асосан ер ажратиш, газ, электр ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, кредит, солиқ масалаларига тааллуқли. Икки мингта яқин муурожаатда мансабдорларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик билдирилган.

Инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни мониторинг қилиш, инвесторларнинг турли идоралардаги муаммосини ҳал қилиб бериш бўйича вазифалар белгиланди.

ГФР ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истикболларини, шунингдек, Ўзбекистон — Европа Иттифоқи формати доирасидаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

GERMANIYA ASOSIY QONUNI O'ZBEK TILIDA NASHR ETILDI

Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинган «Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни» китоби тақдими бўлиб ўтди.

Кўпгина соҳалар қатори қонун ижодкорлиги йўлидаги ўзаро манфаатли муносабатлар ҳам янги босқичда давом этаётганини қайд этиш жоиз.

ИННОВАЦИОН ФАНИ РИВОЖЛАНТИРМАСДАН МАМЛАКАТНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва ийрик лойиҳалар билан танишди.



МУНОСАБАТ ИЛМ ВА ОЛИМ КАДРИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фан ва таълим соҳасида юксак марраларни қўлаб олиб бораётган эзгу ишлари алоқачон ўз натижасини бера болади.



Қаландар АБДУРАХМОНОВ, академик.

Биринчи навбатда, мактабга таълим муассасаларига янгидан ҳаёт бағишланди. Тўғрисики тан олганимизда маъмур тизим мамлакатимизда тугатилиш арафасида турган эди.

Учинчи навбатда, ва энг муҳими олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Аҳоли даромадлари 108,6 фоиз ўсган. РОСТДАНМИ?..



